



*Маънавият таргиготчисига ёрдам*

АБДУРАХИМ ЭРКАЕВ

**ОММАВИЙ  
МАДАНИЯТ  
ВА МАЪНАВИЙ  
ТАРБИЯ**



РЕСПУБЛИКА МАЊНАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ

АБДУРАХИМ ЭРКАЕВ

**ОММАВИЙ  
МАДАНИЯТ ВА  
МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ**



ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2015

УҮК: 008:37.017.92

КБК: 76.0+87,7

Э 78

**Эркаев, Абдурахим**

Э 78      Оммавий маданият ва маънавий тарбия / А. Эркаев; масъул муҳаррир Қ. Куранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-251-3

Кейинги вақтда илмий адабиётда ва матбуот саҳифаларида «оммавий маданият» ходисаси, унинг мазмун-моҳияти, жамият ва инсон ҳайтига таъсири хусусида турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилмоқда. Аммо, улар орасида мазкур феномен ҳар томонлама чукур ва холисона таҳлил этилган тадқиқотлар кўп эмас.

Таниқли олим А. Эркаевнинг мазкур рисоласида «оммавий маданият» ходисасининг маънио-мазмуни, шаклланиш босқичлари, ижобий ва салбий жиҳатлари, ғарб жамияти ҳайтида тутган ўрни, шунингдек, мамлакатимизда маънавий тарбияни такомиллаштириш масалалари ҳақида фикр юритилади.

Рисола файласуфлар, маданиятишунослар, ахлоқшунослар, маънавият тарғиботчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УҮК: 008:37.017.92

КБК: 76.0+87,7

М а съ у л м у ҳ а р р и р:  
сийёсий фанлар доктори Қ. Куранбоев

Тақризчилар:  
фалсафа фанлари доктори, профессор О. Эргашев  
фалсафа фанлари доктори М. Мунавварова

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг йилдан йил ку чайиши кўплаб янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқаларни, шулар билан бирга янги муаммоларни вужудга келтирди. Глобаллашув суръатлари ортаётган, халқаро рақобат кучаяётган, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган, Ғарб оммавий маданияти тез тарқалайётган ҳозирги шароитда она тилимизни, миллий менталитетимизни, маънавий хусусиятларимизни, маданиятимизни асрар авайлаш, ривожлантириш масаласи долзарблик касб этмоқда. Ғарбнинг ўзида оммавий маданиятга нисбатан ижобий баҳолашдан тортиб мутлақ қоралашгача бўлган турлича қарашлар қарор топган. Оралиқда ҳали яна қанчадан-қанча ёндашувларга дуч келиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳақли равиша да таъкидлаганидек: «Оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, идивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»<sup>1</sup>. Ушбу иқтибос тарбия муаммосининг ғоят долзарблигидан, «оммавий маданият» ва уни никоб

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013, 117-б.

қилиб олган ғоявий бузғунчи «маданий» маҳсулотлар мавжудлигидан, уларни «оммавий маданият» билан чалкаштираслик зарурлигидан далолат беради. Давр билан ҳамқадам бўлишни истаган халқларга, мамлакатларга замонавий тараққиёт танлаш учун кўп имконият қолдирмайди: энг сўнгги илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, урбанизация, оммавий коммуникация воситаларини (ОКВ) ва ахборот технологияларини (АТ) ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлиши. Булар эса ҳар бир халқ, мамлакат ҳаётига ўзига хос унификация қилувчи, яъни бирхилаштирувчи, бир қолипга туширувчи таъсир кўрсатади. Ғарб мамлакатлари ижтимоий-маданий ҳаётига, умуман маънавий дунёсига қараб, Япония, Жанубий Корея, Гонгконг ва бошқа қатор давлатлар мисолида эртага бизни нималар кутаётганини маълум даражада башорат қилиш мумкин. Уларга ғарбча турмуш тарзи, ғарбча қарашлар, ғарб юксак маданияти ва қадриятлари қаторида оммавий маданияти, саёз қадриятлари, баъзи ҳолларда сохта қадриятлари ўта зиддиятли таъсир кўрсатмоқда. Бу ушбу мамлакатлар аҳолисида безовталик уйғотмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алокалари кучаяётгани ва рақамли технологияларнинг халқимиз турмушига чукур кириб бораётгани ҳаётимизда оммавий маданиятнинг мавқеи ва нисбатининг ортиб боришига олиб келади. Унинг салбий жиҳатларини минималлаштириш, қулагилклари ва баъзи бир ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш йўлларини ҳозирданоқ излашимиз керак. Ушбу масалаларни холис ва ҳар томонлама тадқиқ этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ғарб мамлакатларининг баъзи бир хатоларини тақрорлапшимиз шарт эмас. Шу сабабдан рисолада биз кўпроқ ғарб оммавий маданияти ҳакида сўз юритамиз.

---

## **«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ: КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ**

Қадим замонлардаёқ, темир қуролларга ўтилгач, одамларнинг турмуш тарзи, фаровонлиги, ўз маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ўртасида фарқ кучайиб, ижтимоий табақалашув юз берди. Натижада табақаларнинг ўзига хос маданиятлари вужудга келди. Бунда аклий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши мулкий табақаланиш билан бирга катта роль ўйнади. Аста-секин юқори табақалар ва қуий табақалар маданиятлари орасидаги фарқ кучайди. Ўрта асрларда Шарқда, кейинчалик Ғарбда олимлар маданиятни иккига – элита (хос) ва омма (авом) маданиятларига бўла бошлидилар.

Ғарб мумтоз фалсафасида (И. Кант, Ф. Шеллинг, И. Фихте, Гегель ва улардан ҳам аввал И. Гердер) биз айнан шундай ёндашувни кузатамиз. Аммо ушбу түшунчаларга батафсил таъриф берилмаган. Хос – элитар маданият жамият киборлари, ўқимишли зиёлилар диди, таъби, маънавий қизиқиши ва эҳтиёжларига мўлжалланган юксак профессионал адабиёт ва санъат намуналари, олий табақаларнинг ижтимоий хулқ-атвори ва муомала-мулоқоти билан боғланган. Омма маданияти эса оддий халқнинг эҳтиёжларини қондирувчи маънавий маҳсулот ҳисобланган. Фольклор, халқ амалий-безак санъати, урф-одат ва анъаналар омма маданиятига киритилган. Бошқача айтганда, оммавий маданият ва халқ маданияти бир ҳодиса деб тушунилган, улар бир-биридан ажратилмаган ва қарама-қарши қўйилмаган. Ушбу маданиятга

жүн ҳодиса деб бирмунча беписанд қараашлар учрасада, аслида умумий муносабат унчалар салбай бўлмаган. Халқ оғзаки ижодига эса кўп ҳолларда, айниқса, мумтоз адабиётда ижобий муносабатни кузатамиз. Масалан, буюк рус шоири А.С.Пушкин фольклорни жуда севган. У халқ оғзаки ижодининг бир неча намуналарини қайта ишлаб, оригинал асарлар яратган.

Маданиятни иккига – элитар (юксак) ва оммавий (тубан) маданиятга бўлиш анъанаси бизнинг давргача сақланиб қолди. Аммо оммавий маданият тушунчаси мазмуни ўзгариб, конкретлашди. Энди у қуйи ижтимоий қатламлар маданиятини эмас, кўнрок оммавий равишда индустриал (саноат) усусларда ишлаб чиқиладиган ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарқатиладиган, замонавий технологиялар ва қулайликлар шароитида вужудга келган маданиятни англата бошлади.

Замонавий оммавий маданият – жамиятдан бегоналашган, ўз идентлигини, индивидуаллигини йўқотган, ўзи ҳам маълум бир функцияни бажарувчи механизмга айланган бутунги давр кишисининг ички хоссаси ва эҳтиёжидир. Индивидуаллигидан маҳрум, ақли ва жисмоний кучи товарга айланган кишига ўзига ўхшаган индивидуаллигидан маҳрум этилган, оммавий ҳисобланган маданий маҳсулот керак.

Замонавий оммавий маданиятнинг шаклланиши индустриал жамиятда бошланиб, алоҳида ижтимоий феноменга (ҳодисага) айланиши постиндустриал жамиятда юз берди. Унинг вужудга келишининг, табиийки, ўз моддий-иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий омиллари бор. Энг аввало, бу жараёнга жамият ривожланишининг умумий тенденциялари таъсири тўғрисида ганириш лозим. Капитал миллий чегаралардан чиқиб, трансмиллий компаниялар вужудга келди. Банк-кредит, савдо-сотиқ, статистик ва бухгалтер ҳисботларининг, ишлаб чиқариш технологияларининг, истеъмол буюмларининг бирхилашуви, стандартлашуви юз берди. Бу дунё миқёсида

одамлар турмуш тарзига, жамият ҳәтигинг бошқа соҳаларига, жумладан, маданий ҳаётга таъсир кўрсатди, жаҳон миқёсида урбанизациянинг кучайишига олиб келди. Шаҳарларда стандартлашган турмуш тарзи қарор топа бошлади.

Оммавий маданият маҳсулотлари кўпроқ бир марта фойдаланишга мўлжалланган. Улар тез унутилади, бозор ва мода талаби асосида ўзгариб, тинимсиз янгиланиб, кўпайиб, технологик жиҳатдан замонавийлашиб, модернизациялашиб бораверади. Унинг ушбу жиҳати ҳам моддий буюмларнига ўхшайди. Технологик эскирганлари ёки модадан чиққанлари иккиланмасдан ташлаб юборилади. Масалан, бугунги кунда грампластинкаларнинг, патефон ва радиоларнинг, тасмали магнитофон ва плёнкали фотоаппаратларнинг, механик ёзув машинкаларининг вақти ўтди. Улар ўрнини ракамли технологиялардан фойдаланаидиган янги буюмлар эгаллади. Бугунги уяли телефон аппаратларининг ахборот сақлаш хотираси ва ҳар хил операцияларни бажариш тезлиги ўн-ўн икки йил бурунги компьютерларнидан қолишмайди.

Замонавий оммавий маданиятнинг яна бир хусусияти тўғрисида шартли равишда бундай дейиш мумкин: маданиятни ўзлаштириш «китобий шакл»дан кўпроқ «визуал шакл»га, яъни ўқиб-ўрганишдан, ақлий меҳнат қилишдан кўра кўпроқ ТВ, кино, видео, интернет орқали кўришга, томоша қилишга, дам олиш билан бирлаштиришга ўтиб кетди. Бу жуда муҳим белгидир. Зоро, бунда оммавий маданиятнинг, бир томондан, ахолининг кенг катламларини ўз таъсири остида сақлаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш, тез суръатда тарқалиш қудрати акс этса, иккичи томондан, инсон онги, тафаккури юксалиши учун аҳамияти настлиги намоён бўлади. Одамлар бўш вақтини кўпроқ ТВ экран қарписида ўтказади. Баъзан кафе, клуб ёки стадионга, концерт-шоуларига бориб туради. Лекин улар ўзаро кам мулоқот қилиб, бир-биридан ва жамиятдан тобора бегоналашиб бораётир. Камайиб кетган жон-

ли мулокот ўрнини кўпроқ интернет ёрдамида амалга ошириладиган виртуал мулокот тўлдирмоқда.

Визуал оммавий маданият инсон тафаккурини, фантазиясини, тасаввурларини, мавхум тушунчаларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва эслаб қолиш қобилиятини ривожлантируйди. Буни ҳозирги айрим ўшларнинг китоб ўқимай қўйганида, ўз фикрини тушунарли қилиб ёзма ифода этолмаслигига, оғзаки нутқининг ғализлигига қўриш мумкин. Визуал маданият тайёр стереотип (андозавий) фикр ва ғояларни сингдириб, инсон дунёқарашини, онгини бойитмайди, балки бошқаради. Постмодернизм назариячилари – Ф. Джеймисон, Р. Барт, Ж. Батай, Ж. Бодрийяр, У. Эко ва бошқалар визуал маданиятнинг ушбу жиҳатларини ташвиш билан қайд этиб, у чинакам ҳаётий реаликда эмас, балки ўзи яратган сунъий реаликда яшашини, «идора этиладиган омма»ни шакллантиришини, бу феноменга нисбатан классик услубдаги таҳлилни кўллаб, қадриятлар нуқтаи назаридан баҳо бериб бўлмаслигини таъкидлайди. Визуал жанрларнинг устунлик қилиш тенденциясини биринчилар қаторида пайқаган Д. Рисмен оммавий маданият «одам-локатор»ни шакллантиришини айтган эди (локатор – радар антеннасининг бошқача номи).

Китоб ўқиш жараёнида инсон асар тилининг, ҳар бир сўзининг мазмунини чакишига, воқеа ва персонажлар муносабатини эсда тутиб асарни таҳлил қилишга, баҳо беришга интилади. Китобнинг «матний» мазмунини инсон тафаккури, тасаввuri ва фантазиясини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди, дунёқарашини бойитади. ТВнинг «визуал тасвири» эса инсонни чуқур ўйлашга, тафаккур ва фантазиясини ривожлантиришга кўп ҳам ундамайди. Аниқроғи, бунга имкон колдирмайди. Чунки ТВ орқали намойиш этилаётган манзара ва воқеалар томошабин кўз олдида тайёр. Уларнинг эфирга узатилиш суръати шунчалик тезки, инсон кўраётган ва эшитаётгандарини таҳлил қилиб, англаб этиш ва мустақил хулоса

чиқаришга улгурмайды. Унинг тайёр ҳолда сингдирилаёт-ган хулоса ва фикрларни ўйламай-нетмай қабул қилишдан бошқа иложи йўқ. Визуал маданият инсон дунёқарашини, онгини бойитмайди, балки бошқаради. «Учинчи тўлқин» номли машҳур китоб муаллифи Э.Тоффлер визуал маданиятни қабул этишнинг «зэппинг» шакли вужудга келганини таъкидлайди. ТВ ўз кўрсатувларини тинимсиз равишда реклама роликлари билан тўлдириб туриши туфайли, инсон рекламани кўрмаслик мақсадида пуль тугмачаларини босиб, телеканалларни тўхтовсиз алмаштириши оқибатида унинг онгига қуроқ, узук-юлуқ ахборот ва таассуротлардан ҳосил бўлган ўзига хос образ шакланади. Бу образ аклни, хаёлотни ишлатишни, хабарни англаб олишни талаб қилмайди. Инсон узлуксиз равишда ахборотни «янгилаш», «алмаштириш» билан банд.<sup>1</sup>

Индустрисал жамият умуман маданиятга, катта таъсири кўрсатди. Постиндустриал, постмодерн, ахборот жамиятларининг таъсири эса янада кучайди. Биринчи галда, бу ҳол маданиятнинг нисбатан кенг тарқалиши, яъни оммалашуви учун шарт-шароит юзага келганида, омманинг умумий савияси ўсганида кўринади. Шу сабабдан америкалик социолог Т. Парсонс ва бошқа бир гурух олимлар оммавий маданиятни ҳимоя қилиб чиқсан эди. Уларнинг фикрича, ОАВ орқали миллионлаб кишилар жамиятда кечеётган воқеалардан хабардор бўлади, адабиёт, санъатнинг юксак намуналари, илм-фан ютуқлари билан танишади, билими ва савиясини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради.

Фарб мамлакатларида узлуксиз давом этган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий-синфий курашлар, турли гурухларнинг ҳокимиятга интилиб, ўзаро олиб борган рақобати аста-секин қонун устуворлиги тамойили ва демократик меъёрлар, қоидалар қарор топишига олиб келди. Демократия тизимининг ривожланиши сайловчи-

<sup>1</sup> Э. Тоффлер. Третья волна. – М.: 1999, 278–279-б.

лар овози учун курашни авж олдириди. Шунга мувофик, омма онгига таъсир қўрсатиш усуллари такомиллашди. Маҳсулот рекламаси билан бир қаторда сиёсий реклама ва ташвиқот ривож топиб, ранг-баранглик касб этди. Номзодларни қўллаб-қувватлаб, реклама мазмунидаги сиёсий роликлар, буклетлар, плакатлар, баннерлар чиқарилиши, оммавий концерт ва акциялар ўтказилиши русум бўлди. Булар бари Farb оммавий маданиятининг узвий таркибий қисмига айланди. З. Бжезинский, Д. Макдональд, Г. Гэнс, М. Маклюэн ва бошқалар оммавий маданият шахс ривожланишида ва демократик сиёсий институтлар қарор топишида ижобий роль ўйнашини ҳар томонлама асослашга уринди. Д. Белл оммавий маданият туфайли АҚШда мағкуравийликдан холи ғоялар, образлар ва кўнгилхушлик қилишнинг барчага баравар тизими вужудга келаётганини бундан ярим аср бурун эътироф этган эди. Чунки оммавий маданият маҳсулотлари муайян бир табақага, синфга эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларига мўлжалланган. Ушбу ҳолат оммавий маданиятнинг ўзига демократик хусусият бағишлишини қўпчилик олимлар қайд этадилар.

Шу сабабдан юқорида айтилганидек, ғарбнинг баязи олимлари уни тўлиқ оқлаб, универсал аҳамиятини, ҳозирги замон жамиятидаги етакчилигини, демократик характеристини, ижтимоий тенгликни ифодалапини эътироф этади. Ғарбнинг бошқа бир гурӯҳ олимлари эса, бу фикрга қўшилган ҳолда, оммавий маданиятни қаттиқ танқид остига олмоқда. Яна бир гурӯҳ олимлар унинг кучли ва заиф, ижобий ва салбий жиҳатларини баравар ёритишга уринмоқда. Кейинги йилларда ушбу ижтимоий ҳодисани ҳимоя қилиш, оқлаш тенденцияси тадқиқотчилар орасида кучайиб бораётир, аммо масалага бирёқлама ёндашиб бўлмайди.

Масала ҳақиқатан анча мураккаб, чунки оммавий маданият жуда кўпқиррали, ранг-баранг, зиддиятли ҳодисадир. У жамият ҳаётининг барча соҳаларини – сиёsat ва

давлат идоралари, жамоат ташкилотлари фаолиятидан то алоҳида фуқароларнинг дам олиши, бўш вақтини ўтказишигача, ишлаб чиқаришдан – истеъмолгача, давлат бошлиқларининг норасмий «галстукларсиз» учрашувларидан – оддий одамларнинг туристик саёҳатларигача кириб борган. Оммавий маданият одамлар ҳаётининг аксарият эҳтёжларини таъминлаши билан умуман олганда ижобий роль ўйнайди. Уларни давр ва жамият талабларига мослаштиради. XX аср бошларида яшаган киши XXI асрга келиб қолса, ўта ҳайратга тушар, шошиб қоларди. Жамият ҳаёти суръатларига, транспорт оқимига, замонавий телекоммуникацияларга, ахборотга, моддий ва маънавий истеъмолга мослашишда жуда қийналарди. Телевизордан, радиодан, магнитофондан, уяли телефондан, компьютердан, электрон почтадан, интернет магазиндан ва хизмат турларидан фойдаланишни билмайдиган, мотоцикл автомобиль, самолёт каби транспорт воситалари, космик кемалар, сунъий йўлдошлар, мобиль алоқа, майший электротехник буюмлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаган инсон ҳозирги жамиятга, унинг талабларига, одамлар ўртасидаги замонавий алоқаларга, мулоқотга мослаша олмайди. Шу сабабдан оммавий маданият инсонни жамиятга мослаштириб, адаптацион вазифани бајаради.

Замонавий истеъмол, турмуш тарзи, яшаш сифати, майший қулайликлар, ТВ, радио, интернет, ОКВ, электрон алоқа турлари ва шакллари кўпроқ оммавий маданиятга мансубдир. Уларнинг бир қисми юксак ва оммавий маданият диффузияси натижасидир. Баъзи бир демократик сиёсий ва фуқаролик институтлари, айрим демократик қоида, меъёрлар ва амалиёт, фуқароларнинг давлат идоралари, жумладан, олий давлат органлари билан компьютер ва электрон воситалар орқали алоқа қилиши, таклиф ва мулоҳазаларини билдириши, электрон парламентлар ва ҳукуматларнинг ташкил этилиши ҳам оммавий коммуникация воситалари ва у туфайли вужудга кел-

ган замонавий оммавий сиёсий маданият билан боғлиқ ҳодисалардир. Лекин оммавий маданият инсонга кўплаб қулийликлар яратиши билан бирга, унинг онгига зиддиятли, айрим ҳолларда анча салбий таъсир кўрсатади. Оммавий маданият маҳсулотлари одамларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондирса-да, уларнинг маънавий дунёси ривожланишига кам таъсир кўрсатади.

Оммавий маданият шаклан мафкурасизлашган бўлса-да, одамлар онгини бошқаришига, «бир ўлчовли», конформист, лоқайд одамларни ҳамда виртуал электрон ўйинлар, компьютер ва мусиқа бандиларига (асирларига) айланган ёшларни, жамиятда истеъмолчилик психологиясини шакллантиришига кўра, мавжуд сиёсий тузумга ва хукмрон синфларга хизмат қиласди. Бу ғарб олимлари томонидан кўплаб марта қайд этилган ва далилланган. Оммавий маданиятнинг деидеологизациялашуви, яъни мафкурасизлашуви, нисбий характеристерга эга, кўпроқ унинг ички теран ижтимоий функционал оқибатларига эмас, балки ташқи жиҳатларига – шаклига ва юзаки утилитар, амалий вазифаларига тааллуқли.

---

## **ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИНСОН МАЊНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин – XX асрнинг 50-йилларидан Европада оммавий маданиятни либерал гуманизм нуқтаи назаридан кескин танқид қилиш бошланган (Фромм, Хорхаймер, Адорно, Бенъямин, Моран, Веблен, Рисмен, Маркузе ва бошқалар) эди. Либерал гуманистлар оммавий маданиятни аҳоли онгини бошқариш, шахсни мањнавий қарамлиқда сақлаш, одамларни ўзаро бегоналаштириш, зулм ўтказиш воситаси дея баҳолади. Уларни қўллаб-қувватловчilar турли илмий йўналишларга оид олимлар орасида кам эмас эди. Ҳозир ҳам бу фикрларни қўллаб-қувватловчи танқидчilar оз эмас. Шу ўринда уларнинг айrim баҳоларини эслаш мақсадга мувоғик: «сароб баҳт мафкураси» (Моран), «шахс ҳаракатини ташқаридан бошқариш» (Рисмен), «бир ўлчовли инсон»ни шакллантириш (Маркузе), эрзап-туйғуларнинг (ясама, сохта туйғуларнинг) мафтункор олами (Веблен), «бир тусли кийимдаги, бирхиллашган ва бирхиллаштирувчи, тез алмашинадиган тузилма» (Корнхаузер), «бегоналашувнинг одми компенсацияси» (Фромм), «оммавий» инсонни стандартлаштириш ва конформлаштириш, яъни мавжуд тузумга нисбатан норозилик туйғусидан маҳрум этиш (Миллс), клип-маданият (Тоффлер).

Ҳали интернет тармоги, замонавий ДВД, «уяли» алоқа ва баъзи аҳборот технологиялари кашф этилмаган 60-йилларда француз социологи А. Моль бундай деб ёзган эди: «Бугун оддий ишчи ақлини «тўлдириш»да унинг метро

афишасида ўқигани, радиодан тинглагани, кино ёки телевизорда күргани, ишга кетаётганда газетада күзи тушган ахборот ёки ҳамкаслари, күни-күшниларидан эшигани күпроқ роль ўйнайди; мактабдан эса ярим унут бўлган тушунчалар қолади, холос»<sup>1</sup>. Эндилиқда-чи? Компьютер ва интернет замонида АТ ёрдамида аҳолининг онгини бошқариш, «маъқул бўлмаган» мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқариш, ҳатто ранги инқилоблар ва давлат тўнтаришлари қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Буни 2011 йили қатор араб давлатларида юз берган воқеалар тасдиқлайди. Ўшанда интернет орқали ғалаёнчиларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилган эди. «Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки ОАВ орқали шаклланади», деганида А.Моль ҳақ эди.<sup>2</sup> Бунга қўшимча қилиб «онги ҳам бошқарилади» дейиш мумкин.

60-йилларнинг иккинчи ярми ва 70-йиллардан бошлаб Фарб ёшларининг «иккиюзламачи» буржуа маданиятига қарши норозилигини, ўзига хос исёнкорлигини ифодаловчи субмаданият юзага келди. Унга Фарб олимлари «контркультура» («қаршимаданият») деган ном берди. Қаршимаданият АҚШда кўпроқ Вьетнам урушига, ирқий нотенглишка, одамларнинг ўзаро бегоналашувига, бюрократизмга қарши йўналтирилган эди. Фарбий Европа мамлакатларида эса у буржуа ахлоқининг, оила ва никоҳ меъёрларининг «иккиюзламачилиги»га, эркин жинсий алоқаларнинг тақиқланишига, молпарастлик ва ҳашаматли бой турмуш тарзига ҳамда давлат сиёсатидаги икки хил стандартларга қарши қаратилди. 1968 йилда юз берган талabalар ғалаёни оқибатида Франция президенти де Голь истефога чиқишига (1969) мажбур бўлди.

Ёшлар норозилик ҳаракатининг ўз назариячилари, тақлид учун намунаға айланган «доҳий»лари бор эди. Биз

<sup>1</sup> А. Моль. Социодинамика культуры. – М.: 1973, 45-б.

<sup>2</sup> Ўша асар, ўша бет.

юқорида номларини тилга олган Ч. Миллс, Т. Адорно, Г. Маркузе, Ю. Хабермас каби файласуф ва социологлар шундай назариячилар эди. Улар энди жамиятнинг асосий инкілобий кучи пролетариат эмас, балки люмпенлар, турли маргинал қатламлар, айниқса, ёшлардир деган ғояларни олға сурувчи «янги сўллар» тўғрисидаги таълимотни яратишга уриндилар.

Ёшлар ўз ғоявий раҳнамолари сифатида сиёсий экстремизм назариячиси француз Р. Дебре ва сиёсий зўравонликни бирдан бир мақсад деб эълон қилган Ф. Фанонни тан олди. Одатдагидек, назариячилар олға сурган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик ғоялар амалиётчилар томонидан янада бузиб талқин этилди, мавжуд тузумни ва барча анъанавий қадриятларни тўлиқ инкор этиб, туғал нигилизмга ва бемаънилилкка айланди. Улар лисоний, ахлоқий, айниқса, сексуал инқилоб ясаш, ёшларнинг турли хил коммуналарини яратиш, наркоманияни ёйиш «буржуя дунёқарashi, онги»ни енгишнинг, инсонга ҳақиқий эркинлик ато этишнинг бирдан-бир йўлидир, дея ёшларни чалғитди.

60-йиллар охирида «хиппи», 70-йилларда «панклар» ҳаракати вужудга келди; ушбу феномен 80-йиллар охирида бир муддат яна жонланди. Улар ҳар қандай ахлоқий меъёрларни, ҳатто гигиеник қоидаларни рад этиб, гўёки «табиий» ҳаёт кечира бошладилар. Оқибатда қаршимаданият (контркультура) аксилмаданиятга (антикультурага) айланди. Аксилмаданият унсурлари оммавий маданиятга таъсир кўрсатди, чунки шахвоний саҳналарни ва шу каби инсоннинг ҳайвоний табиатини очиқ кўрсатадиган кино, видео ва босма маҳсулотлар легаллашиб олди ва эгаларига катта даромад келтира бошлади. «Сексуал инқилоб» охир-оқибатда гурухий никоҳга асосланган «шведча оиласлар» ва бир жинсли никоҳларга асосланган оиласлар пайдо бўлишига, гей-прадлар ва шу каби ходисаларга йўл очди.

Қаршимаданият ва аксилмаданиятнинг ижобий мазмундаги маданиятга, жумладан, оммавий маданиятга бевосита алоқаси йўқ. Аслида улар Farb жамиятининг маънавий инқирозига тажрибасиз ёшларнинг тўрларча ноадекват норозилиги натижасидир. Уни маданият интерференцияси сифатида баҳолаш мумкин. Қаршимаданият ва аксилмаданият бугун тарих саҳнасидан тушиб кетди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. аммо уларнинг баъзи унсурларидан бойлик ортириш илинжида бўлган корчалонлар ҳамон фойдаланмоқда. Farb мамлакатлари шаҳарларида секс-шоплар, топлес-барлар, стриптиз-клублар (шу жумладан аёллар учун), гей-клублар анча илдиз отиб кетди. Порноиндустрия вужудга келди. Уларнинг оммавий маданиятга бевосита алоқаси йўқлигини яна бир бор эслатмоқчимиз. Улар факат оммавий маданиятни ўзига никоб қилиб олганлар, холос.

Оммавий маданиятга бирёқлама ёндашмаслик даркор. Унда камчиликлардан ташқари, ижобий жиҳатлар бор. Ҳозирги замон шароитида у бир қатор ижтимоий вазифаларни адо этадики, бу унинг маданий ҳайётда етакчилик қилишини, асосий роль ўйнашини, универсал ижтимоий ходисага айланишини белгилайди. А. Костина илм-фандаги мавжуд фикрларни умумлаштириб, оммавий маданиятнинг куйидаги функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатади: 1) одамларни жамият талабларига, турмуш тарзига, мавжуд воқеликка мослаштириш, яъни адаптацион функция; 2) иллюзиялар (хаёлий орзулар) мақонини яратиш; 3) ҳимоялаш ва рекреацион (хордигини чиқариш ва ўйин билан банд қилиш) механизмини яратиш;<sup>1</sup> 4) истеъмолчилик мағкурасини шакллантириш тизимини яратиш. Оммавий маданиятнинг истеъмолчилик мағкураси механизмини яратиш тўғрисида гапирганда, у асосан реклама орқали одамларни муайян маҳсулотни

<sup>1</sup> А. Костина. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. Изд. 5-ос. –М.: 2011.

харид килишга «мажбурлаши»ни эслатиш лозим. Ушбу маҳсулотни сотиб олмасант, сен гўёки ўзингни ҳозирги замондан ортда қолган, консерватив, диди паст ёки кам таъминланган, ўзини тўлиқ таъминлашга қурби етмайдиган, ҳаётда ўз ўрнини тополмаган, номукаммал кишидек сезасан. Кўп ҳолларда истеъмолчи учун маҳсулотнинг ҳақиқатан унга кераклиги эмас, хатто маҳсулот сифати ҳам эмас, балки унинг истеъмолчидаги мавжудлиги, маҳсулотнинг бренди – товар белгиси, қайси компания томонидан ишлаб чиқилгани муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, реал эҳтиёж учун зарур маҳсулот, унчалик зарур бўлмаган маҳсулот ва модага кирган бренд билан алмаштирилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий цивилизациянинг техник қулайликларидан воз кечиб бўлмаганидек, у яратган оммавий маданиятнинг кўпчилик турларидан ва маҳсулотларидан воз кечиб бўлмайди, албатта. Бироқ, ушбу маданиятнинг баъзи кўринишлари, кимор ёки наркотиклар каби, инсоннинг маънавий дунёсини емиришга қодирлигини, айниқса, ёш болалар ва ўсмиirlар психологиясига жуда тез таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз керак.

Оммавий маданият ижтимоий-маънавий локайдлик қаторида миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий маданият, янада кенгроқ қаралса, миллий манфаатларга нисбатан бефарқликни зимдан шакллантира боради. Ватанпарварлик, фаол фуқаролик, ҳалқчиллик ва миллий ўзлик туйғулари кишида заифлашиб кетади. У ўзини, нари борса, дунё фуқароси, бутун инсоният фарзанди деб ҳисоблай бошлайди, амалда кўпинча бундай ўй-фикрлар ҳам унга ёт бўлади. У энди инфантил, конформист, бефарқ ва локайд, шижоати, ташаббуси сўнган инсон. Ҳаёт оқими қаёққа бошласа, шунга эргашади. Ижтимоий ҳолатини ўзгартиришга интилмайди, олдига юксак мақсадларни кўймайди.

Шундай қилиб, оммавий маданият инсонни ҳақиқий, реал воқеликдан, ҳаётнинг реал муаммоларидан чалғи-

тади. Ҳаётини, турмушини сунъийлаштиради, виртуаллаштиради. Бу шахслараро муносабатларга ҳам тааллуқли. Бегоналашиш кучайиб, дўстлик, улфатчилик, жонли мулоқот одамлар ўртасида, биринчи галда ёшлар ўртасида камайиб бораётирип. Мулоқот макони энди – интернет. Ўзини, ўзлигини намоён этиш интернетдаги ҳар хил ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади. Хуллас, оммавий маданият кўплаб кишилар ҳаётида реал воқеликни сикиб чиқариб, уни виртуал воқелик, виртуал мулоқот билан алмаштирмақда. Оммавий маданиятнинг инсон ҳаёти ва маънавияти виртуаллашувига таъсирини унутмаслигимиз, бу таъсирини имкон қадар минималлаштириш чораларини кўрмогимиз лозим. Ёшларни китоб ўқишга қайта ўргатмоқ, мумтоз ва замонавий юксак санъат асарларига қизиқтирумок, эстетик ва ахлоқий тарбия савиясини кўтармоқ керак.

Болалар адабиётига, умуман болалар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга эътибор кучайтирилиши, жамиятда бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рагбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак.

## ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ

Тарбиянинг вазифаси инсонни яшашга ўргатиш, авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлаш ва инсонни жамият талаблариiga мувофиқ шакллантириш билан чегараланмайди. Инсон эҳтиёжлари юксаладиган, кенгайган ҳолда такрор тикланадиган мавжудот. Шу сабабдан жамият инсон кўнинмалари, билимлари, меҳнат тажрибаси ва мањнавий ютуқларини турли усулларда, кўринишларда тўплаб, маданиятда аккумуляция қилиб боради. Тарбиянинг яна бир асосий вазифаси инсонга ўзининг кенгайган ҳолда такрор тикланадиган, мудом ўсиб борадиган эҳтиёжларини қондира олишни, яъни **маданиятни яратишни ўргатишдир**. Бунинг учун эса инсонда яратувчилик, ижодкорлик хислатлари бўлиши керак. **Яратувчилик, ижодкорлик хислатини шакллантириш мањнавий тарбиянинг ана шундай вазифасидир.**

Тарбия таълим билан узвий боғланган, аммо уларнинг ҳар иккаласи мухторий характерга эга. Ишлаб чиқариш технологиялари ривожланиш даражаси ва тенденциялари, одатда, таълимда ва тарбияда, кадрлар тайёрлашда ҳисобга олинади. Лекин илмий-техника тараққиёти тезлашиб, технологиялар дастлаб ҳар 15–20 йилда, кейин 5–10 йилда ўзгара бошлагач, таълим ўз ўкув дастурларини тез ўзгартиришга, мутахассис тайёрлашда объектив малакавий талаблардан ортда қолмасликка интилди ва тарбиядан илгарилааб кетди. Тарбия унга эргашолмай қолди. Чунки тарбия барқарор меъёрлар ва баҳоларга таянади, миллий ва умуминсоний қадриятларни ва асл инсоний туйғуларни ёш

авлод онгига сингдиради. Хуоса қиласынан бўлсақ, тарбия замонавий цивилизациянинг тараккиёт суръатларига мослашолмай, ёки замонавий цивилизация туфайли янгидан вужудга келган кўнлаб инсонларо ҳамда жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни ахлоқийлаштиrolмай қолди. Асрлар давомида таълим ва тарбия ўртасида вужудга келган мувозанат бузилди. Тарбияловчи таълим, таълим берувчи тарбия деган иборалар энди анча нисбий бўлиб қолди. Юксак маънавиятга алокадор илмий ва бадиий билимлар ихтисослашуви ҳамда уларни ифодаловчи гоялар ва образлар тизимининг мудом мураккаблашуви кенг омма тушуниши учун қийинчилик туғдирмоқда. Натижада, уларни сода ифодалашга, кенг омма онгига, савиясига мослаштиришга, оммавий маданият нуктаи назаридан талқин қилишга ҳаракат бўлаётир. Бу ҳам, ўз навбатида, янги билимларнинг тарбиявий салоҳиятини йўққа чиқармоқда.

Ҳеч бир жамият инсонга ўз имкониятларидан ортиқ бера олмайди ва талаб қилолмайди, чунки у тарихан ўз замонасининг иқтисодий, илмий-техникавий ютуқлари, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва умуман маънавий эркинлигининг эришилган даражаси билан чеклангандир. Бундан бир аср бурунги жамият компььютер ва космик кемалар нималигини билмас, бугунги инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликларнинг кўпчилиги тўғрисида тасаввурга эга эмасди. Ҳалқаро ҳуқуқ ҳам ўта адолатсиз, ривожланмаган эдики, ҳарбий жиҳатдан кучли давлатлар кам кучлиларини очиқласига босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантиради.

Постмодерн жамиядада олам хақида илмий тасаввурлар, ишлаб чиқариш технологиялари, коммуникация усууллари, истеъмол, турмуш тарзи тубдан ўзгариб кетди. Ҳозирги одамлар онги, тафаккури кўп жиҳатдан ота-боболариникидан фарқ қиласи. Ахборот-коммуникация технологиялари инсонга аввалги жамиятларга нисбатан кўпроқ имконият яратди. Лекин, афсуски, бу имкониятлар орасида инсон нафси ва хирсини рағбатлантирувчи, маънавиятини ич-ичидан емирувчи омиллар ҳам бор.

Инсон маънавиятининг емирилиш тенденцияси қандай пайдо бўлди? Нега замонавий тараққиёт, истеъмол, ахборот-коммуникация технологиялари, улар вужудга келтирган виртуал воқелик ва оммавий маданият потенциал тарзда инсоннинг ўзига хавф солмоқда? Бу саволларга аниқ жавоб йўқ. Жавоб топиш учун ҳар томонлама маҳсус тадқиқотлар олиб бориш керак.

Инсоният маънавиятига таҳдид солаётган, ғарбнинг маънавий инқизоризига сабаб бўлган омиллар факат замонавий цивилизация келтириб чиқарган оммавий маданият ва ахборот коммуникация технологиялари, «ахборот портлаши», виртуал воқелик ва шу кабилардангина иборат эмас. Уларнинг ўзи илмий-техника тараққиёти оқибатидир. Жамиятнинг моддий-иктисодий ривожланиш даражасига унинг маънавий, тарбиявий савияси мувофиқ бўлсагина, инсон ривожи учун имкониятлар кўпаяди. Агар ортда қолса, инсон нафс ва ҳирс тутқинига, эҳтиослари чегара билмайдиган истеъмолчига айланади. Ғарбда инсоннинг истеъмолчилик иштаҳаси шу даражада ўсиб кетдики, у ўз-ўзини ҳам, ўз табиий ва ижтимоий яшаш муҳити – ойкуменасини ҳам емира бошлади. Дарҳақиқат, маънавиятга таҳдид инсонга таҳдиддир.

Инсон тарбиясида, шак-шубҳасиз, дин катта аҳамият касб этиб келган. Айниқса, ўтмиш жамиятларида, ўрта асрларда мафкура, эътиқод ва таълим-тарбия масаласида дин етакчи институт бўлган. Янги даврда диннинг ушбу борадаги мақоми ўзгарди. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида диний ташкилот давлатдан, мактаб диний ташкилотдан ажратилди. Давлат ва жамият институтлари тўлиқ (диний жамоалар ва баъзи бир ташкилотлардан ташқари) секуляризациялашди, яъни дин ва черков (мачит ва ҳ.к.) таъсиридан халос бўлди. Шахс тарбиясида диннинг ролини бирёклама ижобий ёки салбий баҳолаш нотўғри. Дин инсоннинг маънавий тарбиясида катта роль йўнаган. Ҳозир ҳам баъзи тарбиявий масалаларда унинг фойдали салоҳияти сақланиб қолган. У одамларга эзгулик ва ёвуз-

лик, виждон, ҳалол ва харом, гуноҳ ва савоб, жаҳолат ва маърифат каби тушунчаларини фарқлашда, эзгуликка интилишда, ёмонлик ва гуноҳдан ўзини тийишда ва шу каби кўплаб ҳолларда ёрдам беради.

Диннинг инсон тарбиясидаги аҳамияти ҳақида гапирганда, ғарбнинг секуляризациялашган жамиятидаги бაъзи бир ахлоқий бузуклик, фаҳш, биржинсли никоҳлар ва сексиндустрия кабиларни яна бир бор эсламасликнинг иложи йўқ. Худога ишонмаслик нималарга олиб келиши мумкинлиги масаласи XIX аср охирги чораги мутафаккирларини безовта қила бошлаган эди. Буюк рус ёзувчи Ф. Достоевский «Ака – ука Карамазовлар» романида Иван Карамазов ва бир неча песроножлар номидан: «Агар худо йўқ бўлса, унда ҳамма нарса, ҳатто одамхўрлик мумкин», – деган хитоб билан жамиятни огоҳлантиришга уринган эди.

Немис файласуфи христиан динининг ашаддий тандидчиларидан бири Ф. Ницше ғарб маънавий ҳаёти ва эътиқодининг иккюзламачилигини, одамларнинг худога ишонмай қўйганини назарда тутиб: «Худо ўлди», – дея хитоб қилиб, унинг ўрнини Худо ва инсон хислатларини ўзида бирлаштирган – суперинсон эгаллаши лозим деган ғояни илгари сурган эди. У «Зардушт таваллоси» асарида ёзади: «Оҳ, мушфиклар ўртасидаги телбалиқдан ҳам ортиқроқ телбалик бормикин дунёда?

Барча севгучиларнинг алам-азоби курсин, уларнинг раҳм-шафқатдан ўзга чўққиси йўқ.

Бир куни иблис шундай деди: «Ҳатто худонинг ҳам ўз дўзахи бор – бу унинг одамларга муҳаббати».

Яқинда унинг шундай деяётганини эшитдим: «Худо ўлди<sup>1</sup>; одамларга раҳм-шафқати боис худо ўлди «Ницшенинг инсон ва Худони ўзида бирлаштирган суперодами – турлича, жумладан салбий, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказишга қодир, зўравон мазмунда ҳам талқин қилиниши

<sup>1</sup> «Жаҳон адабиёти» журнали, февраль 2004, 11-б.

мумкин. Шу сабаб гитлерчилар Ницше сиймосида ўз маф-курасини, унинг суперодамида эса дунёга эгалик қиласидиган олий ирқ вакили – блондин бестия (малла соч иблик) – фашист йигити идеалини кўрган эди. Бунга, албатта, Ницше айбдор эмас. Лекин Ницшенинг эзгулиқдан ва ёвузлиқдан устун турадиган, Худо ва инсонни ўзида бирлаштирган одами уни салбий мазмунда тушунишга ўрин қолдиради.

Достоевский каҳрамони Иван Карамазов ҳам «инсон – худо» ғоясини илгари суради. Ницше асари Достоевский романидан (1878–1880 йиллар) уч йил кейин ёзилган (1883–1884 йиллар). Лекин Ницшенинг Достоевский асарини ўқигани даргумон. Демак, ушбу ғоя зиддият ва қарама-қаршиликларга тўла, динсизлик авж олаётган гарб учун ўша даврда пишиб етилган эди.

Ницше дард чекишини ҳамдардлик қилишга қарши кўяди. Дард чекиши инсонга ўз-ўзини енгишда ёрдам беради (*Selbstüberwindung*), ўз устидан ҳукмронликни оширади. Ҳамдардлик, аксинча, кучсизлантиради, «ҳукмронликка интиладиган иродани» камайтиради. Ницше қарашларида «ҳукмронликка интиладиган ирода» тушунчаси марказий ўрин эгаллайди. Ницшега вульгар социал-дарвинизм ғоялари анча-мунча таъсир қилган кўринади. Яшаш учун кураша оладиган, ҳукмронлик қилишга қодир одамнигина у яшашга ҳақли деб ҳисоблаган. «Антихристианин» асарида қўйидаги фикрларни олға суради:

«Нима яхши? – Инсонда куч ҳиссини, ҳукмронликка интиладиган иродани, қудратни оширадиган барча нарса.

Нима ёмон? – Ожизлиқдан келаётган барча нарса.

Бахт нима? – Ўсаётган куч, ҳукмронлик ҳисси, янги тўсиқ енгиги ўтилаётганини ҳис қилиши.

Қониқиши эмас, йўқ, – кўпроқ куч, кўпроқ ҳокимият! Тинчлик эмас – уруш, эзгулик эмас – жасорат (Ренессанс услубидаги эзгулик, ахлоқийлик билан аралашмаган – *virtu*).

Ожизлар ва мажруҳлар ўлиб кетсин – инсонсевар-лигимизнинг биринчи қоидаси. Уларга яна ўлишларида қўмаклашмоқ керак.

Хар қандай иллатдан нима заарлироқ? – Ожизларга ва мажрухларга ҳамдардлик – христианлик»<sup>1</sup>. Инсон табиатига индустрисал жамият тажовузини Достоевский ва Ницше каби мутафаккирлар XIX асрда ёк пайқаган эдилар. Ўтган сал кам 1,5 асрда вазият анча кескинлашди. Постмодерн жамиятида илмий-техника тараққиёти, ахборот-алоқа технологиялари, ахборот хуружи ва таҳди迪 инсонни жуда оғир ахволга олиб қўйиши мумкинлиги аёнлашмоқда. «Биз одамларга ўхшаб ишлайдиган машиналар барпо эта-миз ва машинага ўхшаб ҳаракат қиласидиган одамларни яра-тамиз. Ўн тўққизинчи асрда кул бўлиб қолиш хавфи мав-жуд эди, йигирманчи асрда бу хавф йўқолди, лекин бошқа ҳатар – роботларга айланиб қолиш хавфи туғилди»<sup>2</sup>, – деб ёзган эди Э. Фромм. XXI асрда кейинги хавф янада кучай-ди. Инсон энди ҳатто роботга эмас, компьютер ва глобал алоқа тизимининг, тармоғининг бўлакчасига, мурватига, айланиб қолиш хавфини сезмоқда.

Гарб маънавий инқирозининг асл ва чуқур сабабла-ри жамиятнинг секуляризациялашувида меган савол-га аниқ жавоб бериш қийин. Секуляризациянинг маълум таъсири борлиги шубҳасиз, аммо бизнинг назаримизда, асосий сабаб гарб индустрисал жамиятида инсоннинг ашаддий моддий эксплуатация қилингани ва ҳўрлангани натижасида синфий кураш, инқилоблар ва урушлар авж олиб, XX асрда фашистик ва большевистик қатағонлар, жаҳон урушлари, уларнинг асоратлари, постиндустриал жамиятда маънавий бегоналашувнинг янада кучайиб, глобал муаммолар, айниқса, ядро уруши хавфи ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсон онгига, тафаккурига, ижтимоий идеалларига салбий, емирувчи таъсир кўрсатди.

<sup>1</sup> Ф. Ницше. Антихристианин. Опыт критики христианства // Сумерки богов. –М.: 1990, 19-б. (Ф. Ницше ўз асарини «Анти-Христ» деб атаган. Христиан динида Анти-Христ деганда шайтон тушунилади. Шу боис рус таржимони асарнинг мазмунидан келиб чиқиб, унинг номини Антихристианин деб ўтирган – А.Э.)

<sup>2</sup> Эрих Фромм. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // «Жаҳон адабиёти». Март 2000, 116-б.

Тахминий ҳисобларга күра, факат икки марта содир бўлган жаҳон урушларида 60 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлган. Уруш пайти ва урушдан кейинги вайронагарчилик, ишсизлик, очлик, қашшоқлик, кун кўриш учун баъзи кишиларнинг ўғирлик, талончилик, қотиллик, қаллоблик қилишга ёки аёлларнинг фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур бўлгани, гиёхвандлик ва ичкиликбозлик ўсгани ва ш.к.лар ғарб маънавиятини издан чиқарди. Анъанавий қадриятлар тизими ўзгара бошлиди. Ўша даврнинг таникли мутафаккири Эрих Фромм, нафақат Худо, инсон ҳам ўлди, дейишга жазм этди. Албатта, Фром сўзларини мумтоз маънавий қадриятларга содик инсон қолмаётир, энди қўпчилик ўз худбин манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўймоқда, деган на-домат мазмунида тушунмоқ керак.

Ғарб одами инстинктив тарзда ҳаёт лаззатларидан табиқ қолай, эртага ҳамма нарсадан жудо бўлиб қолишим мумкин қабилида ўзини тутган. Индустрнал жамият оёққа туроётган дастлабки бир – бир ярим аср мобайнида меҳнат муҳофазаси йўлга қўйилмаган, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар кўп бўлган. Ишчилар бўлар-бўлмас баҳоналар билан жаримага тортилган, норозилар маошидан, иш жойидан ажралган. Шу сабабдан синфий қарама-қаршилик қарор топиб, тез-тез иш ташлашларга, стачкаларга, қўзғолон ва инқилобларга олиб келган. Ишлаб чиқарган маҳсулотидан тўлиқ бегоналаштирилган пролетарий анъанавий қадриятларга – эзгулик, адолат, ҳалоллик, садоқат, меҳр-оқибат, ҳақ ва ҳақиқатга ишонмай қўйган. Мулкдан, меҳнат натижасидан бегоналаштирилиш маънавий бегоналashiш учун замин яратган.

Постиндустриал, постмодерн жамиятларида мулқдан бегоналashiш маълум даражада бартараф этилиб, ўрта синф вужудга келган бўлса-да, маънавий ҳаётдаги бегоналашув ва қўпчилик салбий тенденциялар сақланиб қолди, улар ёнига янгилари қўшилди. Чунки маданий маҳсулотлардан кўпроқ дам олиш, кўнгил очиш восита-

сига айланган маҳсулотларга эҳтиёж тез ортди. Уларни ишлаб чикарувчилар катта фойда олдилар. Маданият маҳсулотлари товарга айланди. Ижтимоий муҳит ва хавфхатарнинг салбий таъсири секуляризация таъсиридан кучлирок бўлиб чиқди. Чунки секуляризация алоҳида инсоннинг диндор бўлишига, черковга қатнашига монелик қилмайди. Фақат жамият ҳаётига черков ва динни аралашибирмайди. Ибодатни, эътиқодни хар кишининг хусусий иши деб ҳисоблади.

Гуманизм ғоясини нотўғри талқин қилиб, мавҳум антропоцентризм билан амалда алмаштириш, инсон ҳукуқларини унинг ахлоқий масъуллигидан, маънавиятидан ажратган холда ижтимоий муносабатларининг асосий мезонига айлантириш ғарб маънавиятининг инқирозигагина эмас, ҳатто ғарб кишиси инсоний табиати ўзгаришига сабаб бўлаётир. Шу ўринда ғарбнинг бир қатор файласуфлари фикрига кулоқ тутиш фойдадан холи эмас:

– Мумтоз инсон ер юзидан йўқолиб кетаётганга ўхшайди, онги сифат жиҳатдан ўзгарган янги субъект эса воқеликни моделлаштиришда, уни ўз ақл-заковати ва руҳияти ёрдамида яратишда қатнашмаётир,— дейди М. Фуко. Ж. Деррида эса, инсонни ўраб турган дунё унинг учун ҳал қилиб бўлмайдиган «муаммолар йигиндиси»дир, деб қўшимча қилади. Ж. Ф. Лиотар фикрига кўра, инсон борликнинг онтологик асосларидан маҳрум, у ўз-ўзини ва атроф-муҳитини легитимлаштиришнинг инқирозини бошдан кечирмоқда. Ж. Бодрияр «бизнинг образлар ва белгилар тизимимизда» буюк гуманистик мезонлар «ўчирилган» бўлиб чиқмоқда, дея хулоса қилади. Ушбу муносабат билан ғарб оммавий маданияти «бир ўлчовли инсонни» шакллантириши тўғрисидаги X. Маркузе сўзларини, «оммавий» инсонни стандартглаштириш ва конформлаштириш тўғрисидаги Ч. Миллс, «одам-локатор» тўғрисидаги Д. Рисмен ва ниҳоят, Фроммнинг яна бир бор «инсон ўлди» деган сўзларини эсланг! Бунгаяна Ж. Оруэлл, О. Хаксли, Р. Брэдберн, Р. Шекли каби ёзувчиларнинг антиутопия жанрида ёзилган бадиий асарларида тасвирлан-

ган одамлар образларни қўшимча қилиш мумкин. Кўри-ниб турибдики, ғарб олимлари, ёзувчилари ташвиш билан замонавий инсон мумтоз тушунчадаги инсондан баъзи бир салбий маънодаги камчиликлари, маънавий-маданий қадриятларига кўра фарқ қилишини қайд этмоқда.

Виртуал воқелик, симулякрлар дунёси, компьютерда-ги уларнинг кўпвариантлиги ушбу олам билан боғланиб қолган кишининг анъанавий қарашларини, қадриятлар тизимини, қабул қиласидаги қарорлари, хулқ-атвори оқи-батларига нисбатан унинг **жавобгарлик ҳиссини за-ифлаштириб юборди**. Реал ҳаётда инсон кўнинча ўз қарорлари, қилмиши оқибатларини ўйлаб кўради, ўзига ва бошқаларга беҳуда зарар келтирмасликка ҳаракат қиласиди (ган бу ерда жаҳл устида ёки экстремал ҳолатда нотўғри иш қилиб қўйиши ҳақида эмас, балки унинг ҳаёт кечи-риши давомидаги хулқи, фаолияти ҳақида кетяпти). Вир-туал воқеликда у ҳар қандай масъулиятдан холи. Истаган қарорни қабул қилиши мумкин. Агар у муваффақиятсиз чиқса, бошқа вариантни танлайди. Керакли вариант то-пилмагунча, шу ҳолат давом этаверади. Бунга оддий жўн мисол қилиб электрон йўйинларни келтириш мумкин.

Виртуал воқеликнинг кўнвариантлилиги ва файлларни, ахборотни чексиз алмаштириш имкониятлари инсонни ўй-лаб таҳлил қилиш, ягона тўғри вариантни топиш ташвиш-ларидан қутултирумокда. Бу охир-оқибатда инсоннинг ўз хатти-ҳаракати учун, реал ҳаётга тўғри муносабатда бўли-ши учун масъулиятини пасайтирумокда. Чунки у реал ҳаёт ва хаёлот ўртасидаги, реал ва виртуал воқеликлар ўртаси-даги фарқни ажратолмай қолмоқда. Айниқса, ёш болалар-да бу кўп кузатилмоқда. Фарbdаги айрим болалар электрон йўйинлардаги «қаҳрамонлар» сингари қўлига қурол олиб, синфдошлари, ўқитувчилари ёки кўчадаги одамларга ўқ очган ҳоллар учраб турибди. Олимларни ташвишланти-раётган масалалардан бири кейинги авлодларда сакланиб қоладиган масъулият жамият ва инсон нормал ривожла-ниши учун етарлича бўладими?

Биз замонавий цивилизация, у туғдирған технологиялар, оммавий маданиятдан воз кече олмаймиз. Лекин уларнинг инсонга салбий таъсирини минималлаштиришга эришмоғимиз керак. Бунинг учун таълим-тарбия, биринчи галда маънавий тарбия мазмунини, усул ва воситаларини замон талабларини ҳисобга олиб, такомиллаштириш зарур. Маънавий тарбия инсоннинг асл табиатини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган. Инсоннинг асл табиати ҳақида гап кетганда, одатда қуидагиларга ургу берилади:

- инсон онгли, ақлли мавжудот;
- инсон биоижтимоий мавжудот, у фақат жамиятдагина шаклланади, жамиятдан ташқарида инсон боласи ҳалок бўлмай қолганда ҳам, ҳайвондан фарқ қилмайдиган мавжудот бўлиб етишади;
- инсон яратувчи мавжудот. Ҳайвон табиатини ўзгартирмайди, фақат унга борлиги туфайли биологик хилма-хиллик бағищлайди, у табиат берган маҳсулотни истеъмол қиласди. Инсон эса ишлаб чиқариш қуроллари ясашдан, яшashi учун шарт-шароит яратиш (бошпана куриш, кийим-кечак тикиш) ва овқатланишгача табиат маҳсулотларини қайта ишлайди, улардан ўзига керакли маҳсулот яратади;
- инсон эҳтиёжлари узлуксиз ўсадиган, юксаладиган мавжудот. У ўз эҳтиёжларини англашга ва уларни қондириш учун муайян мақсад қўйишга, режа тузишга, яратувчилик билан шуғулланишга қодир. Бундай хислат ҳайвонда йўқ.

Инсоннинг онги, тафаккури унинг учун биринчи моҳиятли белги экан, маънавий тарбия, аввало, уларни янада ривожлантиришга, юкалтиришга хизмат қилиши керак. Инсон онги мураккаб, кўпқаватли тузилмага эга. Унинг пойдеворини инсоний туйғулар: уят, ор-номус, меҳр, гўзалликдан, мардлик ва жасоратдан завқланиш, яхшиликдан қувониш, ёмонликдан азобланиш, ўзи ножӯя ёки ноҳақ иш қилиб қўйса, хижолат чекиши, вижданан

қийналиш, яхши ишдан мамнун бўлиш, ҳақиқатга, адолатга интилиш каби туйгулар фақат инсонга хос. Улар инсон маънавиятининг ажралмас қисмидир.

Инсон туйғулар, ҳис-ҳаяжон билан чекланиб қолмайди. У ўзининг ижобий ва салбий туйғуларини келтириб чиқарган сабабларни, туйғулар обьектини таҳдил қиласди. Уларга баҳо беради, улар тўғрисида фикр юритади. Шундай қилиб, туйғулардан бошланган онг аста-секин юқори босқичга – тафаккурга ўтади. Масалан, ўзини бир дам баҳтли сезган кишида маълум вақтдан кейин бу кайфият ўтиб кетади. Бундай кайфият турли вазиятларда, турли сабабларга кўра бир неча бор тақрорланиши мумкин. Инсон ўйлай бошлайди «баҳтнинг ўзи нима?» Бирор нарсага муҳтоҷ, айтайлик бошпанаси, чўнтағида пули йўқ инсон ўзини баҳтсиз сезади. Ишда омади юришмаган ёки уйида тинчи йўқ киши ҳам. Хўш, баҳт нима? Моддий фаровонликми, оиласдаги барқарорликми, хузур-ҳаловатда, лаззатда яшашми, хизмат поғоналари бўйлаб ўсишми, шоншуҳратга сазовор бўлишми? Бу саволларга жавоб излайди. Мулоҳаза юритади. Хуллас, инсон туйғулари аста-секин унинг тафаккурига мурожаат этиб, уни фаоллаштиради.

Туйғулар, ҳис-ҳаяжонлар, кечинмалар инсоннинг кўнгил дунёсини, тафаккур эса ақл дунёсини ташкил этади. Уларни бир-биридан ажратиш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳолатлари учраб туради: «кўнгил билан яшаш керакми, ё ақл билан» қабилида мунозаралар уюштирилади. Чунки айрим кишилар ҳаётда асл инсоний туйғуларга беписанд карайди, рўзгор ва иш ташвишлари билан банд бўлиб, уларни унутади. Айримлар кўпроқ ўзига фойда берадиган йўлни танлайди. Ор-номус, виждан деб, зарап кўрайми деб, гўё «акл билан иш тутади».

Маънавий тарбиянинг мақсадларидан бири инсоннинг кўнгил ва ақл дунёсини мувозанатга келтириш, уни нафс ва ҳирс домига тушиб қолишдан асраршадир. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида бошқа инсонлар билан, оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоаси, юрти, мамлакати ва

бутун жамият билан яқындан боғланган. Бинобарин, тарбиянинг асосий вазифаси инсонни ўз-ўзи билан, оиласи, жамоаси, бутун жамият ҳамда табиат билан уйғун яшашга ўргатишидир. Маънавий тарбиянинг ҳар бир йўналиши ва шакли бир-бирини тўлдиради, уларнинг ҳар қайси ўз усул ва воситаларига эга. Улар бир-биридан ажратилмасдан, маънавий тарбия яхлит комплекс тизим сифатида йўлга қўйилиши лозим. Энг асосийси, ҳозирги постмодерн жамияти талаблари ва инсонга таҳдидларини ҳисобга олиб, тарбияни яна таълимга яқинлаштириш, бунинг учун **тарбиянинг янги концепциясини ишлаб чиқариш зарур.**

**Таълим эса тарбияловчи таълимга айланиши лозим.** Зеро, ҳақиқий тарбия, жумладан, диний тарбия ҳам биринчи ғалда эҳтиросларга ва насиҳатларга эмас, балки объектив билимларга асосланади. Етарли билимларга эга бўлмаган киши, биринчидан, осонгина ҳар хил бидъят ва хурофотлар, ғаразли таргибот таъсирига тушиб қолади. Чунки, эшитаётган, кўраётган ҳодисани тўғри таҳлил қилиш, баҳолаш ва нотўғри жиҳатларини аниқлаш унинг учун кийин. Иккинчидан, унга **ҳаётни теран англашда, уни моделлаштириш ва ўзгартиришда** билим етмай қолади ва унинг яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти пасайиб кетади. Шу сабабдан ҳар бир авлоднинг ижтимоий ва ижодий фаоллигини ўрганиш мақсадида социометрик кўрсаткичлар ва индикаторлар ишлаб чиқиб, тадқиқотлар натижасини таълим ва тарбия жараёнида ҳисобга олиб бориш зарур. Шундагина Президентимизнинг мафкуравий иммунитетни шакллантириш, маънавий жиҳатдан эркин, ўз хуқуқларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг ҳар қандай кўринишини ўзи учун ордеб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган шахсни тарбиялаш бўйича қўйган вазифаларини самарали амалга ошира оламиз, оммавий маданиятнинг маънавий таҳдидларини минималлаштиришга эришамиз.

## **МУНДАРИЖА**

Сүзбоши .....	3
Оммавий маданият тушунчаси: келиб чиқиши ва шаклланиши .....	5
Оммавий маданиятнинг инсон маънавиятига таъсири .....	13
Оммавий маданият ва маънавий тарбия .....	19

**АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ**

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА  
МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ**

*Toшкент «Мањнавият» 2015*

Мухаррир *Б. Умаров*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаҳҳих *О. Пардаев*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 25.05.2015 й.да  
рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.  
Буюртма № 15-60. Нархи шартнома асосида.

«Мањнавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди.  
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккӯча, 2-үй. Шартнома 23–15.

ISBN 978-9943-04-251-3



9 789943 042513

*Manaviyat*